ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА)

Фуркат Туракулович Ражабов
Чирчиқ давлат педагогика институти
География кафедраси мудири, география фанлари бўйича фалсафа доктори
E-mail: f.rajabov@cspi.uz

Азиза Абдуллаевана Олимова
Чирчиқ давлат педагогика институти
География кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида илғор хорижий тажрибаларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада таълим муаммолари ечимида ва фанларни ўқитиш сифатини оширишда инновацион кластернинг ўрни ва аҳамияти география фани мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: кластер, инновация, узлуксиз таълим, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, география таълими.

THE IMPORTANCE OF AN INNOVATIVE CLUSTER IN THE SOLUTION OF THE PROBLEMS OF EDUCATION (ON THE EXAMPLE OF THE SUBJECT OF GEOGRAPHY)

Rajabov Furkat Turakulovich
Doctor of Philosophy in Geography, Head of Department of Geography,
Chirchiq State Pedagogical Institute
E-mail: f.rajabov@cspi.uz

Olimova Aziza Abdullayevna
Master of the Department of Geography,
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

Nowadays using advanced foreign experiences in uninterrupted education system is playing great role. In the article, a role and place of innovational cluster at solution of education problems and rising quality of teaching subjects were described in example of geography subject.

Keywords: cluster, innovation, continuous education, secondary schools, higher education institutions, geography education.

КИРИШ

XX асрнинг 90-йилларида жаҳонда ишлаб чиқариш кластерлари ҳақидаги ғоялар ва улар асосида турли тармоқларда кластерларни ташкил этиш амалиёти бошланди. Кластерли ривожланиш назариясининг асосчиси М.Портер бўлиб, у

мазкур ёндашувни муайян бир тармоқда бир-бирига боғлиқ соҳаларнинг уюшмаси, биргаликда ҳаракат қилиши дея тушунтиради.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши баробарида турли хил тармоқ ва ҳудудий кластерларни яратиш тарафдорлари ортиб бормоқда. Бугунги кунда турли мамлакатларнинг 100 дан ортиқ тармоқларида кластерлар ташкил этилган. Энг дастлабки кластерлар Финляндия (коммуникация-ахборот, Nokia), Япония (автомобилсозлик, Toyota), Италия (қурилиш саноати), АҚШ (информацион технологиялар, Силикон водийси) давлатларида барпо этилган бўлиб, улар орасида Силикон водийси кластери мукаммаллиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонда ҳам ҳозирги вақтда турли соҳаларда кластерларни жорий этиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда пахта-тўқимачилик тармоқларига кластерлар жорий этила бошланди. Шунингдек, туризм соҳасида ҳам инновацион кластерларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтнинг энг самарали механизми деб тан олинаётган тармоқ кластерлари республикамиз иқтисодиётининг кўплаб тармоқларида ҳанузгача кенг жорий этилмаган.

Таъкидлаш жоизки хорижлик олимлар А.Маршалл, М.Портер, О.Солвел, С.Кетелсларнинг илмий изланишларида кластер тизимининг назарий масалалари, уларнинг муайян субъектлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли ҳамда таълим кластерлари хусусиятлари АҚШ ва Европа мамлакатлари мисолида тадқиқ этилган.

НАТИЖАЛАР

Малакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, республикамиз таълим тизимида кластерли ёндашувни жорий этиш дастлаб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида йўлга қўйилди. Мазкур институт педагогик таълимнинг истиқболини режалаштириш, таълим босқичлари (мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, олий ўқув юрти, докторантура, малака ошириш каби таълим занжири) ўртасида ўзаро алоқа ва интеграцияни кучайтириш, таълим сифатини ошириш мақсадида педагогик таълим инновацион кластерини яратиш билан боғлиқ янги тизимни ўзининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олган.

Институтда барча фанлар сингари география таълимида ҳам Тошкент вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлигида мақсадли кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий, ўқув-методик базаларини шакллантириш, педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада дастлаб институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва Тошкент вилоятининг ҳар бир туманидан тажрибали география фани ўқитувчиларидан иборат ўқув-услубий Кенгаш тузилди. Ушбу Кенгаш ўз олдига Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлигида амалдаги ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, лаборатория ва амалий машғулот материалларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий қилиш, мавжуд камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш, пировардида таълим сифатини яхшилаш вазифаларини қўйган.

МУҲОКАМА

Мазкур Кенгаш Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактабида “Таълим самарадорлигини оширишда инновацион ғоялар” мавзусида 2019 йилнинг 13 март куни бўлиб ўтган форумда дастлабки ишини бошлади. Шунингдек, табиий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари бошчилигида институтга яқин ҳудудларда жойлашган Қибрай ва Бўстонлиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги мактабларда ёш авлодга география фанидан сабоқ бераётган фан ўқитувчилари учун таълим сифатини яхшилаш, мавжуд камчиликларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Ушбу форум ва давра суҳбатлари жараёнида бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида география фанини ўқитишда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда қуйидаги долзарб муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги қайд этилди:

– география фанини ўқитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган карта ва атласларда берилган бир қатор маълумотлар тегишли фан дарсликларидаги маълумотлардан фарқ қилиб, ўқувчиларни чалғитади;

– география дарслари режасида фанга оид масала ва машқлар бажариш учун ажратилган соатлар кам. Шунингдек, масала ва машқлар бўйича топшириқлар ҳам етарли даражада эмас;

– 7-синф дарслигида берилган маълумотлар (айниқса, ҳудудларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ўта мураккаб ва ўқувчилар ўзлаштириши учун қийинлик қилади;

– мактабларда география ўқитувчилари учун синфлар кесимида дарсни қизиқарли ташкил этиш учун ўқувчиларни ёшига мос ҳолда турли хил педагогик технологиялар қўллаш (ҳар бир мавзуни ўқитиш) бўйича услубий қўлланмалар мавжуд эмас.

Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида география таълими сифатини ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди:

– мактабларда география фани тўгараклари ҳамда ҳар бир мавзуни ўқитиш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш ва шу орқали ушбу фанини ўқитиш самарадорлигини янада ошириш;

– география дарсларининг қизиқарли ва мазмунли ўтилиши учун ахборот технологияларидан фойдалиниш даражасини ошириш учун мавзуга оид ведио ролик ва тақдимотлар тайёрлаш ҳамда вақтни тўғри тақсимлаган ҳолда улардан унумли фойдаланиш;

– ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни мустақил фикрлашга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ижодий изланишга ўргатиш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб экскурсиялар ташкил этиш бўйича тавсияномалар яратиш. Масалан, 5-7 синфларни табиат қўйнига, 8-10 синфларни ишлаб чиқариш корхоналари олиб бориш маршрутларини ишлаб чиқиш;

– география фани дарсларида кўргазмали материаллар билан ишлашни яхшилаш, масалан, компас, релъеф шаклларининг макетлари, табиий географик жараёнлар (вулқонларнинг отилиши, ер ёриқлари)нинг макетлари, фойдали қазилмалар намуналарининг барчасидан дарс машғулотларида фойдаланишни йўлга қўйиш;

– мактабларда география фанига ўқувчиларнинг эътибори ва қизиқишларини ошириш ва, ўз навбатида, олий ўқув юртларининг айрим йўналишларида тайёрланаётган кадрларнинг салоҳиятини юксалтириш мақсадида олий таълим муассасалари баъзи таълим йўналишларига (кончилик иши, туризм, экология, журналистика ва бошқ.) кириш имтиҳонларида география фанидан тест синовларини жорий қилиш;

– география дарсликларида мавзуларга мос ҳолда карталар бериш ва дарсликлардаги статистик маълумотларни ўз вақтида янгилаб туриш;

– бошланғич синфлар учун атрофимиздаги олам ва табиатшунослик фанларини ўқув режага мувофиқ география фани ўқитувчилари ўтишини йўлга қўйиш;

– география фан олимпиадаларини ўтказишда шаффофлик ва адолатлиликни қатъий назорат қилиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Умуман олганда, ҳар қандай таълим соҳаси муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топишда инновацион таълим кластерларини йўлга қўйиш ҳамда улар доирасида таълим босқичларининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш узлуксиз таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
2. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, *19*(1), 292-294.
3. Туракулович, РФ (2020). Динамика и региональные особенности сельскохозяйственного производства. В Республике Узбекистан. *Международный журнал психосоциальной реабилитации*, *24* (2).
4. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. *Journal of Advanced Research in Law and Economics*, *10*(8 (46)), 2364-2372.
5. Салиев Абдусами Салиевич, & Ражабов Фуркат Туракулович (2016). Особенности демографического и социально-экономического развития Кашкадарьинской области Республики Узбекистан. Псковский регионологический журнал, (1 (25)), 23-30.
6. Раджапов Фуркат Туракулович (2016). Развитие фермерских хозяйств Узбекистана и специализация по географическим факторам. Европейский научный обзор, (9-10), 36-37.
7. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash. Academic research in educational sciences, (1).

8. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Махмуджон Жалолитдинович Болтаев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Academic research in educational sciences, (1), 21-26.

REFERENCES

1. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
2. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, *19*(1), 292-294.
3. Туракулович, РФ (2020). Динамика и региональные особенности сельскохозяйственного производства. В Республике Узбекистан. *Международный журнал психосоциальной реабилитации*, *24* (2).
4. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. *Journal of Advanced Research in Law and Economics*, *10*(8 (46)), 2364-2372.
5. Салиев Абдусами Салиевич, & Ражабов Фуркат Туракулович (2016). Особенности демографического и социально-экономического развития Кашкадарьинской области Республики Узбекистан. Псковский регионологический журнал, (1 (25)), 23-30.
6. Раджапов Фуркат Туракулович (2016). Развитие фермерских хозяйств Узбекистана и специализация по географическим факторам. Европейский научный обзор, (9-10), 36-37.
7. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
8. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Махмуджон Жалолитдинович Болтаев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Academic research in educational sciences, (1), 21-26.